

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА МОСЛАШИШ ЖАРАЁНИ

Алмарданова Зулфизар Бекназаровна

Халқаро инновацион университети “Педагогика” кафедраси ўқитувчиси

Email: almardanovazulfizar@gmail.com

Аннотация: Мақолада қар ва заиф эшитувчи болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг муаммолари ва ечимлари юзасидан олиб борилган тадқиқот ва тажрибаларга оид фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Шунингдек, имконияти чекланган болалар психологияси, уларнинг ижтимоийлашув жараёни ва улар билан олиб бориладиган психологик хизматнинг умумий тамойиллари келтирилган.

Калит сўзлар: имконияти чекланган болалар, инклюзив таълим, қар ва заиф эшитувчи бола, ижтимоийлашув, ақли заиф, олигофренопедагогика, психиатрия, логопедия, нутқ, ижтимоий мослашиш, мулоқот, психологик хизмат.

ОБРАЗОВАНИЕ ДЕТЕЙ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ И ПРОЦЕСС ИХ АДАПТАЦИИ К СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ

Алмарданова Зулфизар Бекназаровна

преподаватель, кафедра “Педагогика”

Международного инновационного университета (Узбекистан, г. Карши)

Аннотация: В статье представлены мнения о проведенных исследованиях и экспериментах, посвященных проблемам и решениям подготовки глухих и слабослышащих детей к социальной жизни.

Также рассматривается психология детей с ограниченными возможностями, процесс их социализации и общие принципы оказания им психологической помощи.

Ключевые слова: Дети-инвалиды, инклюзивное образование, глухие и слабослышащие дети, социализация, умственная отсталость, олигофренопедагогика, психиатрия, логопедия, речь, социальная адаптация, коммуникация, психологическая помощь.

Инсон зоти борки, бу ҳаётда яхшиликка, эзгуликка интилиб яшашни хоҳлайди. Шунингдек у ҳаётда яшар экан умри давомида кимгадир ёки кимларгадир ёрдам

бериши, қўллаб-қувватлаши, жамиятга ўз кучи ва билими билан фойда келтириши лозим. Айниқса, орамиздаги имконияти чекланган болаларга диққат эътиборда бўлмоғимиз, улардан меҳр-муҳаббатимизни аямаслигимиз даркор. Имконияти чекланган болаларнинг ўзига хос олами мавжуд бўлиб, улар билан ҳар қандай инсон муносабат ўрнатиши учун албатта ушбу олам билан яхши таниш бўлиши керак. Яъни, улар меъёрида ривожланган болалар психологик хусусиятларидан тубдан фарқ қилувчи хислатларга эга. Айнан шу сабаб, имконияти чекланган боланинг оила аъзоларидан тортиб, то таълим муассаса ходимларигача махсус психология фанининг мазмун-моҳиятини яхши билиши даркор.

Аввало, инсон соғлом бўлиши учун унинг руҳиятидаги барча жараёнлар соғлом, шунинг билан бирга ташқи муҳитдан ахборотларни қабул қилувчи анализаторлар ҳам соғ бўлиши даркор. Инсондаги сезги анализаторларининг носоғломлиги бола психологиясининг меъёрида ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Демакки, болада психологик ўзгаришлар туфайли уларда шахсий сифатлар ҳам ривожланиши бирмунча қийин бўлади. Имконияти чекланган болалар таълим-тарбия жараёнининг соғлом болалар таълим-тарбияси жараёни қонуниятларидан келиб чиқиши билан бир қаторда ўзига хос хусусиятларига ҳам эгадир. Кар ва заиф эшитувчи, кўзи ожиз, ақли заиф болалар - соғлом болалар каби шахс ривожланиш давларининг ҳар бирини босиб ўтади [1]. Имконияти чекланган болаларни тушуниш ва уларга инклюзив таълимни жорий этиш ҳамда таълим-тарбия бериш учун энг аввало уларнинг руҳий олами ва ички имкониятларидан хабардор бўлишимиз зарур. Дастлаб, уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари яъни, характер, темперамент ва қизиқишларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Имконияти чекланган болаларнинг ҳар бирларининг ўзига хос хулқ-атвор олами бор. Яъни, эшитиш муаммосига эга болаларда алоҳида, кўришда нуқсони бор болаларда алоҳида, нутқ нуқсонига эга ва ақли заифларда алоҳида-алоҳида хислатлар мавжуд. Нуқсонли болалар ичида ақли заиф болалар руҳияти нисбатан мукамал ўрганилган тармоғидир. Аммо, бу тармоқ ҳам нормал болалар руҳиятига нисбатан бирмунча кенг, атрофлича ўрганилмаган. Маълумки, ҳар бир фан ўзининг юзага келиш, ривожланиш, тараққий қилиш тарихига, қонуниятларига эга. Шу сингари ақли заиф болалар психологияси фани ҳам маълум ривожланиш тарихига эга. Ақли заиф болаларни ўрганишнинг мумкинлиги ва зарурлиги, уларни ўқитиш, тарбиялаш кераклиги тиббиёт, хусусан психотерапиянинг ривож билан узвий боғлиқ. XVIII аср охирлари, XIX аср бошларида ақли заиф болаларни даволаш, тарбиялаш, ўқитишга оид маълум ижобий қарашлар юзага келди ва шакллана бошлади. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, ақли заифлар таълим-тарбияси масалалари дастлаб, асосан нуқсони оғир

даражадаги болалар устида бошланган [2]. Нисбатан енгил даражадаги ақли заиф болаларни ўрганиш, даволаш, тарбиялаш бирмунча кейинроқ XIX асрнинг 2-ярмидан кейин юзага келди.

1858 йилда рус педагогик адабиётларида Н.А.Добролюбов томонидан ақли заиф боланинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Унинг кўрсатишича, фаолликнинг пастлиги, секин идрок қилиш, қуруқ ёдлашнинг устунлиги, бир хилдаги ҳаракатлар, янги шароитларга ёмон мослашиш, билимларини тўғри ишлата олмаслик ақла заиф болаларга хос хусусиятлар экан. XIX асрнинг 2- ярми XX аср бошларида Россияда ақли заиф болаларни ўрганувчи, даволовчи, тарбияловчи, билим берувчи қатор даволаш, тарбиялаш муассасалари очила бошланди. (Рига, Петербург, Москва, Киев шаҳарларида) 1910 йилда Москвада ака-сингил Постовскийлар бошланғич билим юрти қошида ақли заиф болалар учун ёрдамчи синфлар очдилар ва болаларни ўрганиш учун экспериментал психологик кабинет ташкил қилдилар. 1911 йилда шифокор-психиатр, профессор Г.И.Россолимо Москвада болалар психологияси ва невропатологияси институтини очди. Бу ерда ақли заиф болалар психологиясининг ўзига хос томонлари ўрганила бошланди. 1920 йиллардан бошлаб махсус психология, хусусан ақли заиф болалар психологияси мустақил фан сифатида маориф тизимига киритилди. Шу даврдан бошлаб бу муаммо давлат аҳамиятига эга бўлган ишлар тизимига киритилиб, алоҳида эътибор берила бошланди. 1925 йилда Москвада экспериментал дефектологик институт ташкил этилди. Л.С.Виготский (1896-1934) раҳбарлигида мунтазам, изчил ақли заиф болаларни ўрганиш бошлаб юборилди. Етук психолог Л.С.Виготский махсус психология соҳасида жуда катта назарий мерос қолдирди. Шунингдек, Л.С.Виготский ҳақли равишда олигофренопсихологиянинг асосчиси ҳисобланади [3].

Мамлакатимиз ва илғор чет эл дефектологларининг назарий текширишлари, ҳамда ёрдамчи мактаб илғор тажрибаларининг кўрсатишича ақли заиф болалар махсус таълим шароитида потенциал ривожланиш имкониятларига эга бўлар экан. Ақли заиф болаларнинг руҳий тараққиёт хусусиятлари, ривожланиш босқичлари, ҳамда уларнинг билим эгаллаш хусусиятларини билмаслик дефектологлар учун кундалик ишларида катта қийинчилик тушунмовчиликларга олиб келади. Олигофренопсихология бошқа фанлар сингари турли фанлар билан узвий боғлиқ. Олигофренопедагогика, психиатрия, физиология, логопедия, умумий ва болалар психологияси ва бошқа фанлар шулар жумласига киради. Ақли эаиф болалар руҳиятининг ўзига хослиги ҳозирги замон илғор фан ютуқларининг натижалари билан боғлаб ўрганилади. Нормал ва нуқсонли бола тараққиёти умумий, ягона қонуниятлар асосида кечишини ҳисобга олсак нормал болалар психологияси фани

ақли заиф болалар психологияси учун илмий асос ролини ўтайди. Аммо, ақли заиф болалар тараққиёти ўзига хос йўсинда амалга ошади. Умумий ва ижтимоий психология маълумотларига асосланиб, ақли заиф болалар психологияси иш юритади. Ақли заиф болалар психологияси ёш даврлари психологияси ютуқларига ҳам суянади. Қайси ёшда, қайси руҳий ҳолатлар, қай даражада ўсишини, ривожланишини билиб иш юритади.

Педагогик психология ҳам ақли заиф болалар психологияси учун етарли маълумотлар беради. Эшитиш муаммосига эга болаларда эшитиш анализатори ўрнига юклаб берувчи тана сезгирлиги кучли ривожланган бўлади яъни улар тана вибрацияси орқали кўп нарсани сезади. Иккинчи қўшимча сезги эса бу кўриш яъни, инсоннинг юз қиёфаси ифодаси ва ҳаракатларини тўғри тушунишидадир. Кўришда нуқсони бўлган болаларда эса кўриш анализатори ўрнини тери-тактиль сезгиси бажаради. Болага бериладиган ҳар қандай маълумот боланинг тасаввурида шакллантирилиши лозим, буюм ёки предмет бўлса, унда у албатта бола ушлаганда ёки пайпаслаганда тасаввур яралишига олиб келиши зарур. Ақли заиф болаларда бу биров мураккаброқ чунки биз биламизки, уларда органик жароҳатланишлар сабаб, билиш фаолиятлари турғун бузилган бўлади. Уларни биз ҳаётга ва кундалик фаолиятда ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатар эканмиз, уларга бераётган образ ва тушунчаларимиз иложи борица содда бўлиши керак. Нутқ нуқсонига эга болалар эса бундан мустасно сабаби, улар интеллектуал соғлом, нуқсон туфайли фақатгина нутқ камчиликлари оқибатида келиб чиққан камчиликларнигина бартараф этамиз.

Таълим-тарбия нафақат таълим масканларида, балки оилаларда ҳам мақсадли ташкил этилиши болаларни маънавий жаҳатдан етук, жисмоний жиҳатдан мустаҳкам, ақлий жиҳатдан рақобатбардош мутахассис этиб тарбиялашнинг муҳим шартларидандир. Бироқ аксарият оилаларда қар ва заиф эшитувчи болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида керакли педагогик-психологик ишлар йўлга қўйилмаган. Оилаларда қар болаларга нисбатан авайлаш ва раҳмдиллик нуқтаи назари билан қараш муносабати ўрнатилган бўлади. Мазкур ҳолат қар ва заиф эшитувчи болаларда соғлом болалардаги каби муомала, мулоқот, ўз-ўзига хизмат ва бошқа фаолиятларда иштирок этиш кўникмаларининг етарлича шаклланмаслигига олиб келади. Натижада қар ва заиф эшитувчи болалар махсус таълим муассасасига келган куниданок, оддий кундалик маиший ҳаёт учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллашга жалб этиладилар [4].

Психолог олим Л.С.Виготский имконияти чекланган болаларга фикр билдирад экан, энг аввало уларда бирламчи ва иккиламчи нуқсонларни ажрата билиш зарурлигини кўрсатади. “Дастлабки ва тез-тез учрайдиган нуқсон психологик

функцияларнинг ривожланмаслигидир. Бунинг асосида хотира тафаккур, характер бузилишлари ётади. Нуқсонли бола руҳияти ривожланишининг асосий белгиси биологик ва маданий ривожланиш орасидаги боғлиқликнинг бузилишидир”- деб таъкидлайди. Энг аввало бу болаларнинг шахсий хислатларини тўғри тушунишдан аввал уларнинг олий асаб тизими фаолиятининг ривожланиши ҳолати билан таниш бўлишимиз зарур. Бунинг учун болалар ривожланишидаги нуқсонлар диагностикаси асослари фанининг мазмун-моҳиятини чуқур англашимиз керак. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, тиббий билимлардан ҳам бохабар бўлиш зарур. Сабаби, боланинг интеллект даражаси биз бераётган маълумотни тушуна олиши, шунинг билан бирга ушбу маълумотни амалда қўллай олиши ёки берилган вазифани бажара олиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, имконияти чекланган болалар билан ишлашувчи дефектолог мутахассисларни тайёрлашда ва ушбу мутахассисликка доир қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таълим олаётган педагог ходимларга айнан шу фанлар мазмун-моҳиятини чуқур сингдириш ва уларга ушбу болалар билан амалий ишлаш кўникмаларини шакллантирмоғимиз даркор. Зеро имконияти чекланган балаларни ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий мослаштириш, уларнинг нуқсон белгиларини бартараф этиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Виготский Л.С. Собрание сочинений. Т. 5. - М.: «Педагогика», 1983. - стр. 23.
2. Мамедов К.К, Шоумаров Г.Б. Ақли заиф болалар психологияси-Т.: Ўқитувчи, 1994
3. Рахмонова В.С. Махсус педагогика. Т.: Адабиёт ва санъат, 2005.
4. Специальная психология. Под ред. В.И.Лубовского. - М.: «Академия», 2005.